2011 ЙИЛ 16 МАРТ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 53 (11.864)

Баҳоси эркин нархда

«Ташаббус-2011»

## ЭЪТИРОФГА САЗОВОР БЎЛИШДИ

**Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда, аҳоли фаровонлигини оширишда хусусий секторнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам ушбу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор айни пайтда ўз самарасини бермоқдаки, бу тадбиркорларимиз сафи йил сайин ортишида, иқтисодиётдаги улуши салмоғида яққол ифодасини топмоқда.**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркор ва ҳунармандларимизнинг ютуқлари, улкан салоҳиятлари уларни рағбатлантириш, янги муваффақиятларга ундаш, эл-юртга танитиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловида ёрқин намоён бўлмоқда. Иштирокчиларнинг йил сайин ортиб бораётгани, намойиш этилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги, кўрсатилаётган хизматлар жаҳон андозаларига мослиги мазкур тадбирнинг юксалиб бораётган нуфузидан далолатдир.

Албатта, муваффақиятга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун изланиш, тинимсиз меҳнат, билим ва тажриба, янгиликка интилиш лозим. Янгилик эса ташаббуслардан юзага келади. Демак, яхши ташаббуснинг қаноти бор, у мавжуд жойда ҳамиша муваффақият бўлади. Яхши ташаббус сўнмайди ҳам. Бунга 1996 йилдан буён ўнлаб, юзлаб тадбиркор, фермер ва ҳунармандларни олқишларга сазовор этиб келаётган «Ташаббус» кўрик-танлови мисол бўла олади. Шу ўринда пойтахтимиз тадбиркор ва уста ҳунармандларининг ҳам кўрик-танловнинг мамлакат миқёсидаги босқичида бир неча бор ғолиблар сафидан муносиб ўрин олганлигини айтиш жоиз.

**КЕЧА** шаҳримиздаги муҳташам Халқ истеъмоли товарлари кўргазма-ярмарка савдоси республика марказида «Ташаббус-2011» кўрик-танловининг пойтахт босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда туман босқичида муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган 11 нафар тадбиркор ва 11 нафар ҳунарманд изланишу маҳоратларини намойиш этиб, ўзаро беллашишди, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида танлов шартлари бажарилди. Ҳайъат аъзолари эса ҳар бир шартнинг бажарилиши юзасидан холис баҳоларини бериб боришди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб номланган жорий йилда тадбиркор ва ҳунармандларимизнинг фаоллиги янада ошганлигини шунда кўриш мумкинки, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Шавкат Мирзаев, — кўрик-танловда иштирок этишни хоҳловчилар сони икки мингтага яқинни ташкил этади. Туман босқичлари учун эса уларнинг энг муносиблари танлаб олинди. Шу боис ҳам бугунги иштирокчиларимизнинг барчаси ғолиблар саналади. Йилдан йилга иштирокчиларимиз ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан юксалиб бормоқда. Энг муҳими эса улар томонидан замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ошган, товарлар импорт ўрнини босиши баробарида экспортбоп ҳамдир. Иштирокчи корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари ортиб бормоқда, ёшларга иш ўринлари ташкил этишга эътибор қаратиляпти. Албатта, шу боис ҳам бугун ўз иқтидору изланишларини ёрқин намоён этаётган тадбиркору ҳунармандларимиз асло бир-биридан кам эмас. Ҳайъат аъзоларидан эса катта масъулият ва холислик талаб этилиши ҳам ўз-ўзидан аён. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, «Ташаббус» шаҳримизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларни тинмай изланишга, янги-янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этишга, Президентимиз ишончига лойиқ бўлишга ундамоқда. Чинданам бугунги тадбирни соғлом рақобат майдони дейиш мумкинки, унда ҳақиқий интилганлар, омади борлар ғолиб бўлади.

(Давоми 3-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ






**Тинч ва осойишта юртга байрамлар ярашади, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, куни кеча мунис ва мўътабар онахонлар, дилбар хотин-қизлар байрамини кўтаринки руҳда нишонладик. Бугун яна бир қадрли айём – Наврўз байрамига тараддуд кўряпмиз. Халқимизнинг энг қадимий байрамларидан бўлган Наврўзи олам ўзининг бетакрор шукуҳи билан шу юртда яшаётган ҳар бир инсон қалбига чуқур кириб боради, одамийлик, меҳр-оқибат, муруввват ва ҳиммат каби буюк умуминсоний ғояларни ўзида мужассам этади.**

«Наврўз-2011»

## БУЮК ВА БЕБАҲО НЕЪМАТ

Жамиятда барқарорлик муҳитини сақлаш, тинчлик ва осойишталикни улуғлаш – халқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган энг эзгу фазилатларидан. Аждодларимиз ҳар қандай шароитда ҳам бу неъматларни биринчи ўринга қўйганлар. Уларнинг оилада, маҳаллада ва юртда тинчлик-осойишталикни сақлашнинг аҳамияти ҳақидаги доно фикрлари, ҳаётий мулоҳазалари ҳам бунинг тасдиғидир.

Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда барқарорлик муҳитини таъминлаш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш давлат сиёсатининг асосий йўналиши этиб белгиланди. Собиқ совет ҳудудида мустақилликка эришган давлатларга турли таъсирлар ўтказувчилар, «доно маслаҳат» берувчилар кўпайиб қолган эди. Бу ҳақда Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида шундай ёзади: «Биз ўшанда четдаги «маслаҳатчи»ларнинг «доно кенгашлари»дан эмас, балки халқимизнинг хоҳиш-иродаси, юртимиздаги ҳақиқий вазиятдан келиб чиққан ҳолда оғир-вазминлик билан, ҳар томонлама чуқур ўйлаб сиёсат олиб бордик».

Дарҳақиқат, ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган эзгу тамойилнинг амалий ифодасини бугун барча соҳаларда, ҳаётимиз, турмушимиздаги ўзгаришлар мисолида кўриб турибмиз. Биргина кейинги ўн йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошганининг ўзиёқ бунинг улкан самарасини кўрсатади.

Ўзбекистон бугун иқтисодиёти жадал ривожланаётган дунёдаги энг етакчи давлатлар қаторидан мустаҳкам жой олди. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий автомобиллар хорижда ҳам ғоят харидоргирлиги чет эл оммавий ахборот воситаларида мунтазам қайд этилади. Жаҳон бозорида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси босилган маҳсулотларнинг тури ва ҳажми тобора ошаётир. Ана шундай изчил ишлар самарасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этган 2010 йилда юртимизда экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз ошди.

Тинчлик барқарор бўлган жойдагина тараққиёт бўлади. Шу маънода мамлакатимиз эришаётган бундай ютуқлар, ҳаётимиздаги юксалиш довонлари диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик мевасидир.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида «Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бири-биридан масъулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир», деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, ҳаётимизнинг шундай лаҳзалари борки, уларнинг қадрини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

...Эндигина тетапоя бўлаётган, беғубор кулгуси-ю шўх-шодон қилиқлари билан уйни «бошига кўтариб» ўйнаётган гўдак.

...Пок ният ва катта орзулар билан мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган, бахт тўйини нишонлаётган келин-куёв.

...Тўкин дастурхон атрофида, фарзанду набиралари билан қўлларини дуога очган нуроний отахоннинг юзидаги шукроналик.

(Давоми 2-бетда)

## ҚОНУН ОЛДИДА ҲАММА ТЕНГ ЁХУД «TURKUAZ»ДАГИ НАЙРАНГЛАР

Қонунчиликнинг илк белгилари ибтидоий жамиятдаёқ шаклланган. Ўша пайтларда ҳам ижтимоий одоб-ахлоқ нормаларига амал қилиш барча учун бирдек шарт бўлган.

Бу механизм бугунги кунда ҳам барча мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келмоқда. Баъзан айрим шахсларнинг уни инкор этишга уринишларига қарамай, ушбу механизмга бундан буён ҳам амал қилинади, албатта.

Бу ўринда гап Ўзбекистонда шундоқ ҳам катта даромад олаётган, мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигини четлаб ўтиб, янада кўпроқ бойлик орттиришга уринаётган баъзи бир чет эллик тадбиркорлар ҳақида бормоқда.

«Turkuaz» савдо мажмуаси шундай субъектлардан биридир. Унинг фаолияти миллий қонунчилигимизни мунтазам инкор этишга асосланган. Ўзбекистон Давлат божхона қўмитасининг Контрабандага қарши кураш бош бошқармаси, Давлат солиқ қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги, Монополияга қарши кураш қўмитаси, Проба палатаси, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги ходимларининг мажмуа ва унинг импорт товарлар сақланадиган «Чорсу-савдо» божхона омборида ўтказган текширувлари давомида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг кўп марталаб бузилиши ҳолатлари аниқланди.

(Давоми 2-бетда)

## БИР СЎМ — ДАВЛАТГА, БЕШ СЎМ — ЧЎНТАККА

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар доим ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида алоҳида ўринга эга бўлиб, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, аҳоли учун янги иш ўринларини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда мамлакатимизда ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлганлар учун энг қулай шарт-шароитлар яратилган, бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий база босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари қабул қилинаётир. Хўжалик субъектлари учун солиқ юки йилдан-йилга камайтирилмоқда: у 2005 йилда 13 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 7 фоизга туширилди. 2011 йилда эса бу кўрсаткични 6 фоизга туширишга қарор қилингани давлатимиз томонидан кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да ўтказилган «Ташаббус-2011» кўрик-танловининг вилоят босқичида ишлаб чиқариш ҳажми бўйича юқори кўрсаткичга эга, ўз ҳудудида тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган 50 га яқин тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар иштирок этди. Шунингдек, кўрик-танловнинг Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоят босқичлари ҳам бўлиб ўтди.**
- **Навоий шаҳрида вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида маҳаллий тадбиркорларнинг бизнес форуми ўтказилди. «Ўзбек Лизинг Интернейшнл: ғоялар ҳақиқатга айланади» шиори остида бўлиб ўтган ушбу анжуманда тадбиркорлар, ҳунармандлар, фермерлар ҳамда бир қатор хорижий компаниялар вакиллари қатнашди.**
- **Республика Таълим марказида рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг анъанавий илмий ўқиши бўлиб ўтди. Илмий-амалий конференция тарзида ўтган ушбу тадбирда олий, ўрта махсус ва умумий ўрта таълим муассасаларида дарс бераётган рус тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, тадқиқотчи-филологлар, бакалавр ва магистр талабалар ҳамда Россия Федерацияси элчихонаси вакиллари иштирок этди.**
- **Андижон вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги 8 та ўқув муассасасига Корея Республикаси ҳукуматининг имтиёзли кредити ҳисобидан ўқув лаборатория жиҳозлари, мультимедиа синфлари, радиотехника ва фотография асбоблари келтирилди. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси бўйича олиб келинган жиҳозларнинг умумий қиймати қарийб 466 минг АҚШ долларини ташкил этади.**
- **Янгиер шаҳридаги «Янгиерпласт» масъулияти чекланган жамиятида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг 100 миллион сўмлик кредитидан фойдаланилди. Мухтор Худойбердиев раҳбарлик қилаётган мазкур корхонада ўтган қисқа муддатда 160 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилди.**

### ЖАҲОНДА

- **Россия Беларуссияда атом электр станцияси қуриш юзасидан битим имзолади.**
- **Кеча Нью-Йоркдаги хом ашё биржасида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида WTI русумли нефтнинг нархи 4,01 долларга пасайиб, бир баррели 97,18 долларни ташкил этди.**
- **Бугун Токио шаҳри атрофида яна 6 балли зилзила рўй берди. Таъкидлаш жоизки, Японияда юз берган кучли зилзила ва цунами натижасида нафақат озиқ-овқат, балки энергетика соҳасида ҳам инқироз юзага келмоқда. Ҳозирда Токиода радиация даражаси меъёрдан 10 баравар ошган бўлса, шаҳар атрофида бу кўрсаткич 40 баравардан юқорини ташкил этмоқда.**
- **АҚШда денгиз қароқчилигида айбланган беш нафар сомали фуқароси мамлакатда сўнгги икки асрдан буён қўлланилмай келаётган жазо тури — бутун умрга озодликдан маҳрум этилди.**
- **Европа ядро тадқиқотлари ташкилотининг маълум қилишича, дунёдаги энг катта тажриба ускунаси — улкан адрон коллайдери бир неча ҳафталик танаффус ва синовлардан сўнг физик тадқиқотларни яна давом эттириш мақсадида ишга туширилди.**
- **Россиялик олимлар бинафшаранг, кўк, зарғалдоқ ва қизил тусдаги картошка навларини етиштиришни йўлга қўйишди. Мутахассисларнинг айтишича, рангли картошка антиоксидантларга бой бўлиб, унинг таркибида крахмал миқдори жуда оз экан. Шу боис, келаси йилдан бошлаб россиялик олимлар рангли картошкаларни оммавий равишда етиштиришга тайёргарлик кўришмоқда.**
- **Филиппинлик 17 ёшли Жунри Балуин ер юзидаги энг митти одам деб топилди. Бўйи 55 сантиметр бўлганлиги сабабли Гиннеснинг Рекордлар китобига кирган Балуин чақалоқлигида турли касалликларга кўп чалинган ва ўн ойлигида ўсмай қолган.**

# ТАДБИРКОР

## ЭЪТИРОФГА САЗОВОР БЎЛИШДИ





*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шуниси аҳамиятлики, бугунги иштирокчилар орасида янги номларни кўплаб келтириш мумкин.«Niso Textil Servis», «Mirta Polimet», «Brio Ava», «Dovon», «Toshkent Pizo Baraka», «Progress Impress», «Flora Mebel», «Elegant Gold Boks», «Mirsolar» масъулияти чекланган жамиятлари, ўзининг мебель маҳсулотлари билан ички бозорда муносиб ўринга эга бўлган «E'tiqod» хусусий корхонаси ва «Mirsazava» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, шунингдек миллий қадриятларимизни эъзозлаб, эл-юртга танилаётган Мирсаид Ниғматов, Йўлдош Азларов, Камолиддин Абдуллаев, Мастура Мирвоҳидова сингари ҳунарманд усталар ана шулар жумласидандир. Уларнинг кўрик-танловга алоҳида тайёргарлик билан келганлиги шунда намоён бўлмоқдаки, маҳсулотлар намойиши бири-биридан эътиборли, улар ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатингизни жалб этади. Сифатли маҳсулот тайёрлашдан тортиб қадоқлашгача, уларни харидорларга етказиб беришгача бўлган жараён ҳақида батафсил билишингиз мумкин. Яна бир муҳим жиҳати эса тадбиркору ҳунармандларимизнинг маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланаётгани, замонавий технологик ускуналар қувватини ишга солаётгани, тежамкорликка қаратаётган эътиборларидир. Буларнинг барчаси импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулот таннархи арзонлашувида муҳим аҳамиятга эга.

Ота-боболаримиз меросини эъзозлаб, миллий ҳунармандчилигимиз ривожини таъминлаётган ҳунармандларимиз меҳнатига ҳар қанча тасаннолар айтиш мумкин. Қайси йўналишда бўлмасин, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, лок миниатюраси, каштачилик — ҳаммасида бетакрор санъат намуналарини кўриш мумкин. Бу, албатта мустақиллик йилларида ҳунармандчиликка, оилавий бизнес ривожига қаратилган эътибор, яратилган имкониятлар самарасидир.

— Ҳақиқатан «Ташаббус» ташаббускорлар байрами, десам асло муболаға бўлмас экан, — дейди Бектемир тумани босқичи ғолиби, «Niso Textil Servis» масъулияти чекланган жамияти директори Мансурали Ҳабиялиев. — Ўз муваффақиятингиз билан иштирок этасизу лекин ўзгалар ютуқларидан қувонасиз, ўрганасиз, ҳамкорлар орттирасиз. Корхонамизда маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқарилаётган чақалоқлар ашёлари ва болажонлар кийим-кечаклари бемалол хорижники билан рақобатлаша олади. 40 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган корхонамизда қисқа давр ичида 200 хилдаги янги моделлар яратилди. Келгусида тикув фабрикаси очишни, ишчилар сафини 100 нафардан оширишни режалаб турибмиз.

Қайси бир иштирокчи билан суҳбатлашманг, келгуси режалар бисёрлигидан, иқтисодиётимиз ривожига кўпроқ ҳисса қўшишга бел боғлаганидан воқиф бўласиз. Томошабинлар эътирофи, мана шундай эл-юртга камарбаста ишбилармонлар ютуқларидан тўлқинланаётгани дилларга ажиб завқ беради. Хуллас ҳар қанча гапирсангиз, мақтасангиз камлик қилаётгандай...

Карнай-сурнай садолари, таниқли хонандаларнинг дилтортар хонишлари остида байрамона ўтган кўрик-танлов ниҳоясида ҳайъат аъзолари томонидан ҳар бир иштирокчининг тўплаган баҳолари аниқланиб, ғолиблар муносиб рағбатга сазовор бўлди. Унга кўра «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича 1-ўрин Олмазор туманидан «E'TIQOD» хусусий корхонаси директори Абдуғани Қосимовга, «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналиши бўйича 1-ўрин Бектемир туманидан лок миниатюраси устаси Камолиддин Абдуллаевга насиб этди.

— Ғолиблик фақат омад эмас, — дейди тажрибали тадбиркор, 1-ўрин соҳиби Абдуғани Қосимов, — у тинимсиз меҳнат, изланиш ва ташаббус кўрсатиш билан қўлга киритилади. Юксак ишончни, албатта оқлаймиз.

Шунингдек, мазкур йўналишларда 2,-3-ўрин соҳиблари ҳам аниқланди. «Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши ёш ҳунарманди», «Йилнинг энг яхши аёл тадбиркори», «Ташаббус — 2011» кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказишда фаол иштироки учун» ҳамда бошқа номинациялар бўйича ҳам ғолиблар олқишланди. Барча ғолибларга диплом ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари тантанали тарзда топширилди.

Биринчи ўрин соҳибларидан эса умидимиз катта. Танловнинг республика босқичида иштирок этиш шарафига эга бўлган тадбиркор ва ҳунармандимиз эришган ютуқлардан бирдай баҳраманд бўлиш ниятидамиз. Сизларга омад ёр бўлсин!

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.**



## ИЗЛАНИБ, ИМКОН ТОПИШМОҚДА

**Инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйган ҳолда изланишлар олиб борса, ишбилармонлик билан билим ва тажрибасини ишга солса, ана шу интилишлар бесамар кетмайди. Унинг натижаси, албатта муваффақиятларда яққол кўринади.**

Бир неча йилдан буён «DOVON» масъулияти чекланган жамиятини бошқариб келаётган ва бугунги бозор талаблари асосида иш юритаётган Ҳикматилла Абдуллаев ҳам ана шундай тадбиркорлар сирасига киради. Шу боис ҳам у жорий йилда Президентимиз совріни учун ўтказилган «Ташаббус–2011» кўрик-танловининг Сергели туман босқичида «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналишида ғолибликни қўлга киритди. Албатта, бу бежиз эмас.

Қарийб ўн йилдан буён республикамиз бозорини юқори унумли замонавий технологик линиялар қуввати асосида импорт ўрнини босувчи рақобатбардош полиэтилен плёнкалар билан таъминлаб келаётган корхона тадбиркорлари яратилаётган ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланишмоқда.

— Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳар томонлама имкониятлар мавжуд, — дейди директор Ҳикматилла Абдуллаев. — Энг муҳими эса фаолиятимиз давомида улардан омилкорлик билан фойдалана олишдир. Илк фаолиятимизни 15 нафардан зиёд ишчи-хизматчи билан бошлаган бўлсак, бугунга келиб уларнинг сафи 42 нафарни ташкил этмоқда. Бу ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, маҳсулот ҳажмини оширишга, турларини кўпайтиришга, харидорлар сафини кенгайтиришга қаратилган эътибор самарасидир. Молиявий кўмакдан фойдаланиб, 2007 йилда Ислом тараққиёт банкидан кредит олдик ва Тайвандан юксак унумли технологик линия келтириб ўрнатдик. Натижада тайёрланаётган полиэтилен плёнкаларимиз сифати ортиб, турлари кўпайди. Буюртмага кўра уларнинг ранглиларини ҳам ишлаб чиқармоқдамиз. Асосан маҳаллий хом ашёдан фойдаланамиз. Бунинг учун «Шўртангазкимё» мажмуаси билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз. Ҳозирда полиэтилен плёнкаларнинг 5 хилини ишлаб чиқараётган бўлсак, улар халқ хўжалигининг турли тармоқларида муваффақиятли қўлланилмоқда. Кўп йилга мўлжалланган маҳсулотларимиздан қишлоқ хўжалиги иссиқхоналарида фойдаланилмоқда.

Тадбиркорлар қишлоқ хўжалиги иссиқхоналари учун импорт ўрнини босувчи 3 қаватли полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқариш мақсадида хориждан янги технологик жиҳоз келтириш саъй-ҳаракатида. Маҳаллийлаштириш дастури асосида тайёрланадиган мазкур маҳсулот Корея ва Хитойдан олиб келинадиган товар ўрнини босиши баробарида, ундан бирмунча арзонлиги, ишлатишда қулайлиги билан афзалликларга эга.

Йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бораётганини рақамлар тили билан ҳам изоҳлаш мумкин. Жумладан, 2009 йилда 660 тонна — 2 миллиард 439 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йилда 936 тонна — 5 миллиард 734 миллион сўмлик полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқарилди. Албатта, бу кўрсаткич рақобатбардош товарга харидорлар сафи кенгайиб бораётганидан далолат беради.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ишлаб чиқариш цехларимизни модернизация қилиш, янги технологик жиҳозлар билан таъминлаш ва шу асосда янги лойиҳамизни амалга оширишга эришамиз, — дейди Ҳикматулла Абдуллаев. — Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси барча тадбиркорлар қатори жамоамиз аҳлини ҳам руҳлантириб, янги изланишларга ундади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бораётганлиги таъкидланиб, одамларимиз учун янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланаётганини алоҳида айтилди. Бизни қувонтирадигани, билдирилаётган катта ишонч, кўрсатилаётган юксак эътибор, яратилаётган улкан имкониятлардир. Энг муҳими эса бу борада ҳиссамиз ортиб бораётгани. Шу боис ҳам эл-юрт ишончини оқлаб, жорий йилда олиб келинган янги технологик ускунани ишга тушириш, 18 нафар кишига қўшимча иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишни кўзда тутаяпмиз.

Ҳа, корхонада илғор технологиялар асосида тайёрланаётган сифатли, ишончли ҳамда кафолатли маҳсулотлар ички бозорда харидорини топиб улгурди. Ажабмас, эндиликда хорижий харидорларни жалб этиб, экспорт ҳам йўлга қўйилса... Бунинг учун эса билим, тажриба, имконият — барча-барчаси етарли.

**Шоҳида ИЛҲОМОВА**

**СУРАТДА: корхона тадбиркорлари янги лойиҳани кўзлашмоқда**

### Ҳунари гўзаллар

## МОҲИР УСТАНИНГ БЕТАКРОР МАҲСУЛОТЛАРИ

**Халқ амалий ҳунармандчилигининг ёғоч ўймакорлиги йўналиши аждодларимиздан авлодларга ўтиб, янада сайқалланиб ўзгача жозиба касб этмоқда. Энг муҳими эса ёғоч ўймакорлари сафи иқтидорли ва маҳоратли ёшлар ҳисобига кенгаймоқда ва довруғ қозонмоқда.**

Ёғоч ўймакорлигининг паргорий йўналишида ўзининг бетакрор маҳсулотларини яратаётган Мирсаид Ниғматовни ҳам ана шундай ёш ва қўли гул усталар қаторига киритсак асло муболаға бўлмайди. Бунга унинг тиним билмай изланишлари, устозлар ўгитига амал қилиб ўз устида ишлаши ва эришаётган муваффақиятлари яққол далилдир.



Мирсаид Ниғматов мамлакатимизда ўтказиб келинаётган кўргазма, кўрик-танлов ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этади, маҳсулотларини намойиш этиб, эътирофларга сазовор бўлган. Президент соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг Миробод туман босқичида у «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритди.

— Мазкур ҳунар турига болалигимдан меҳр қўйганман, — дейди ёғоч ўймакори. — Устозларим Зинатулла Алимбоев, Шуҳрат Азимовлардан ҳунар сирларини қунт ва сабот билан ўрганишга, уларнинг ўгит ва маслаҳатларидан самарали фойдаланишга интилдим. Асосий мақсадим ота-боболаримиз ҳунарини эъзозлаб, уни ижодий ривожлантириб, миллий ҳунармандчилигимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш, санъат даражасидаги бетакрор маҳсулотларимни жаҳон миқёсига олиб чиқишдир. Бунинг учун эса ҳозирда тинмай изланяпман, янги-янги буюмлар яратмоқдаман.

Мирсаид тайёрлаётган маҳсулот турлари бугунга келиб 50 хилдан ошиб кетди. Улар орасида курси, лавҳ, қаламдон, қутичалар, лаган, эшик ва бошқа буюмларни кўриш мумкин. Унинг жорий йилги янги иши аёллар учун зеб-зийнат буюмлари бўлиб, улар ўзига хос жозибаси билан харидорини топмоқда. Эскизлар устида изланар экан, уста бугуннинг талабидан келиб чиққан ҳолда иш юритади. Шунинг баробарида тарихий манбаларга мурожаат қилади. Маҳаллий хом ашёлар — ёнғоқ, чинор, ўрик, дуб дарахтларидан фойдаланаётган Мирсаид ҳар бир маҳсулотга уларнинг қайси тури қўл келишини жуда яхши билади. Унга маҳсулот тайёрлаш жараёнида аввало билим, тажриба ва маҳорат қўл келиб, оддий ускуналар ёрдамида мўъжизалар яратади. Нақшларнинг янги турларини ўйлаб топади.

Ёш бўлишига қарамай, устанинг шогирдлари сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Уларга ҳунар сирларини эринмай ўргатар экан, аввало устозларидан олган сабоқларидан фойдаланади, амалий тажрибаларда биргаликда ишлайди, ёш усталарни рағбатлантириб боради. Шу боис ҳам шогирдлар 10 нафардан ортиб кетди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда Мирсаид Ниғматов янги маҳсулотлар устида ишламоқда. Унинг маҳорат билан тайёрлаётган стол-стуллари шодиёнага муносиб туҳфа бўлиши, шубҳасиз.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТДА: Мирсаид Ниғматов яратган ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкилот)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «Ишонч телефони» тизими жорий этилди.

**Ишонч телефони рақами: 239-35-21.**

**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.**

### ДК «СУВСОЗ» ТРЕСТИнинг «ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Энергоресурсларнинг нархи ошганлигини инобатга олиб, 2010 йил 1 апрелдан тижорат ва саноат корхоналари учун тарифларни қайта киритилишини хабар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1 $м^3$ учун 165 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз

Оқава сув бўйича — 1 $м^3$ учун 92 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз

Тел: 252-60-79, 252-19-68.

### ДК «СУВСОЗ» ТРЕСТИ

Энергоресурсларнинг нархи ошганлиги сабабли 2011 йил 1 апрелдан Тошкент шаҳри аҳолиси учун ичимлик суви ва оқава сувларнинг тарифларни қайта киритилишини хабар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1 $м^3$ учун 78 сўм 00 тийин, ҚҚС сиз.

Оқава сув бўйича — 1 $м^3$ учун 43 сўм 00 тийин, ҚҚС сиз.

Тел: 252-19-53.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1. «Тошиссиққуввати» ИЧБ маълум қиладики, 2011 йил 1 апрелдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси тарифи ҚҚСсиз 24527,0 сўм/Гкал миқдорида ва ҚҚС билан 29 432,40 сўм/Гкал миқдорида белгиланди.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!**

2. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК Тошкент шаҳар аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладики, 2011 йил 1 апрелдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф(нарх)лар белгиланади:

марказий иситиш – 436,27 сўм/$м^2$/ой (турар жой майдони);

иссиқ сув таъминоти:

— ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда – 5 460,00сўм/киши/ой

— умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун – 4 061,41 сўм/киши/ой;

—ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда – 1398,04 сўм/$м^3$

Тел: 227-08-55.



### «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**











Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз!

## Спорт янгиликлари

## МЕЗБОНЛАР — ЧЕМПИОНАТ ҒОЛИБИ

**Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти спорт залида дзюдо бўйича ташкил этилган Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди.**

Унда ўндан ортиқ олий ўқув юртлари жамоалари вакиллари ғолиблик учун кескин кураш олиб боришди.

Якка тартибдаги баҳсларда ёш умидли дзюдочилардан Зафар Очилов, Рустам Жонпўлатов ва Шуҳрат Отажоновлар ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллаб шаҳар чемпиони деган номга сазовор бўлдилар.

Умумжамоа ҳисобида эса Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига тенг келадиган команда топилмаган бўлса, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига иккинчи, Тошкент Темир йўл муҳандислари институтига учинчи ўрин насиб этди.

Чемпионат якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

## УЧРАШУВЛАР, НАТИЖАЛАР, ОЧКОЛАР

**Мамлакат XX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 2-тур беллашувлари пешқадам жамоаларга муҳим очколарни тақдим этди.**

Сафарда «Олмалиқ» жамоаси меҳмони бўлган Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги «Пахтакор» командаси муросасиз ўтган учрашувда муҳим уч очкони қўлга киритди. Айтиш жоизки, дастлабки турда Фарғонанинг «Нефтчи» клубини 2:1 ҳисобида енга олган Игорь Шквирин бош мураббийлигидаги «Олмалиқ» жамоаси ўйини мухлисларда илиқ таассурот қолдирганди. Шу боис ҳам олмалиқликларнинг тошкентлик футболчиларга муносиб қаршилик кўрсатишлари тахмин қилинган эди. Дарҳақиқат, ўйин муросасиз ва шиддатли курашларга бой тарзда кечди. Майдон эгалари ҳам пахтакорчилар дарвозаси олдида кўп марта хавфли ҳужумларни амалга оширишди, фақатгина уларни самарали якунлаш мезбонларга насиб этмади. Ҳатто мезбонлар ҳужумларининг иккитасида Темур Жўраев дарвозасига берилган зарбани дарвоза тўсини ва устуни қайтарди. Албатта, мезбонлар ҳужумларига қарама-қарши тарзда пахтакорчилар ҳам рақиблар дарвозаси томон ажойиб комбинациялар, хавфли ҳужумлар билан жавоб қайтаришди. Иккинчи бўлим эса пахтакорчиларнинг устунлиги остида ўтди. Ана шундай ҳужумлардан бирида Абдухолиқов қулай вазиятда турган жамоадоши Шарафутдиновни тўп билан таъминлади ва Дилшод мезбонлар дарвозасига аниқ зарба йўллаб ҳисобни очди. 0:1. Томонлар ушбу ҳисобни ўзгартиришга ҳарчанд уринишмасин ўйин пахтакорчилар ғалабаси билан якунланди.

Амалдаги чемпион «Бунёдкор» ўз майдонида азалий рақиби «Навбаҳор» жамоаси билан куч синашди. 2-дақиқада кутилмаганда жамоадошидан тўпни қабул қилиб тезкор ҳаракати билан ҳимоячиларни чалғита олган Трифупович меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга ола билди — 1:0. Қолган дақиқаларда учрашув тенг курашлар остида ўтди ва ҳисоб ўзгармади.

Ўтказилган икки турдан сўнг «Насаф», «Бухоро», «Пахтакор» ва «Бунёдкор» жамоалари олтитадан очко жамғариб пешқадамлик қилишмоқда.

Мамлакат XX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоаларининг 3-тур учрашувлари 19-20 март кунлари бўлиб ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Биласизми?

## ХОТИРАНИ МУСТАҲКАМЛАШ ОМИЛЛАРИ

**Барчага маълум нарса. Хотира одамларгагина эмас, барча тирик зотга ҳам хос табиий омил ҳисобланади. Ҳаётда хотираси ўта кучли шахслар ўтган ва уларни ҳозир ҳам учратиш мумкин. Жумладан, Эрон шоҳи Кир ўз ҳукмдорлиги остида мавжуд бўлган жангчиларининг исмини ёддан билган. Асли неаполлик бўлган Арлинин тўхтамасдан, бирор қоғозга назар ташламай Дантенинг 157350 шеърини хатосиз айта олган. Тарихий шахс Гамбетта хотира борасида асарларининг саҳифаларини ёддан айтишга қодир бўлган, қўйингчи, шахмат ўйини борасида Роберт Шифер ким билан қачон қандай ўйнаганини, қайси вазиятда ғалаба қозониб, қандай ҳолатда «мот» қилганини хатосиз қайтариб бера олган.**

Ҳаётимизда шундай шахслар ҳам учрайдики, улар ўзлари истиқомат қиладиган хонадоннинг телефон рақамини ёки автоуловининг русумини, қолаверса, кечаги еган таомини ҳам эслай олмайди.

Ҳозирги замон тараққиёти, генетика ва молекуляр биологиянинг авж олиши, генетик ахборот сақланиш механизмининг ихтиро этилиши соҳасидаги илмий-тадқиқотлар туфайли хотира механизмини тушунтириб беришга биологик аналогия жалб этилди. Жумладан, хотира механизми молекуляр асосга эга деб тахмин этилади, яъни ахборот эслаб қолиш асаб ҳужайраларида рўй бериши, улардаги нуклеин кислоталар миқдори ошиши билан кечади.

Айрим кишилар жиддий хасталикларни бошдан кечириши, жароҳатланиши, лат ейиши туфайли хотираси бузилади (амнезия ҳолати) кузатилади. Одамнинг ёши улғайиши билан склеротик жараёнлар содир бўлади. Шахсий хотирага бир қатор омиллар ҳам таъсир этади ва эслаб қолишга бўлган қобилият ирсиятли меҳнат қилиш, шунингдек, мазмунли ҳордиқ чиқариш тартибига ҳам боғлиқ.

Хотираси сустлашган киши албатта руҳшунос қабулида бўлиши, шифокор тавсия этган даво-муолажаларидан ўринли фойдаланиши лозимдир.

Биз бу ўринда хотираси сустроқ бўлган кишиларга наф қилувчи мутлоқ безарар табиий воситалар билан даволаш амаллари хусусида маълумотлар келтиришга ҳаракат қиламиз.

- Маъданли ўғитлар билан етиштирилмаган сершарбат, куврак турп (бу борада Марғилон, Олтиариқ турпи жуда шифо бўлади) шарбатидан ичиб туриш фаромушхотирликка барҳам берувчи табиий омиллардан ҳисобланади.
- Лавлагидан ҳар хил салатлар тайёрлаб истеъмол этиш миянинг пешланишига ёрдам қилади, қон томирларини олқинди-хилтлардан тозалайди, склерозга раддиятлик қилади. Чунки у талай дармондори ва маъданли унсурларни (калий, магний, йод каби) сақлайди.
- Халқ табобати билимдонларининг айтишига қараганда, ҳар куни эрталаб наҳорга бир-икки пиёла қайноқ сув ичиб турилиши кишининг хотирасининг маълум даражада мустаҳкамланишига фойда беради.
- Хотирага уйғунлик берадиган, қадимдан синалиб келинган яна бир восита, у ҳам бўлса кўнгил кўтаргунича қулупнай, ертути меваларидан истеъмол қилиб туришдир. Бу резаворлар бўлмаган тақдирда мазкур ўсимликларнинг баргларидан дамлама тайёрлаб ичиб туриш фаромушхотирликда ижобий самара беради.
- Вақти-вақти билан цитрус меваларининг (лимон, грейфрут, мандарин) истеъмол этилиши хотирага бирмунча ёрдам қилади.
- Манбаларда қайд этилишича, маъданли ўғитларсиз етиштириладиган қовунни истеъмол қилиб туриш ҳам склероз хасталигининг олдини олишга ҳамда хотиранинг яхшиланишига омилкорлик қилади.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос**

## «02»

## ТИЛЛАФУРУШНИНГ ҚИЛМИШИ

**Аёлларнинг тиллага, қимматбаҳо тақинчоқларга ўч бўлиши, бир қараганда, табиий ҳол. Аммо мана шу қизиқишнинг кимлар учундир текин бойлик манбаи бўлиши ҳам ҳаётда кўп кузатилган ҳолатдир.**

Масалан, Чилонзор туманида яшовчи Э.Азиза бир неча йилдан бери тилла тақинчоқлар савдоси билан шуғулланиб келаётганди, бироқ кейинги йилларда шайтон унинг юрагига васваса сола бошлади. Бунга унинг Жамол деган бир шахс билан танишиб, ҳамкорлик қилиши ҳам сабаб бўлди. Чунки унинг янги шериги бир қарашда асл тилладан фарқ қилмайдиган сохта тақинчоқлар топиб келар ва икковлон уларни биргаликда сотишар эди.

Азиза билан кўпдан таниш бўлган мижозлари эса унга ишонишар, бирон нима керак бўлса бемалол мурожаат этишарди. Ўзига бўлган ана шу ишончдан «унумли» фойдаланган аёл уларга ҳам бир неча сохта тақинчоқларни сотди. Шунингдек, яна келтириб беришни ваъда қилиб, айримларнинг йирик миқдордаги пулларини олиб, ўз эҳтиёжи йўлида ишлатиб юборди.

Бироқ, кўза кунда эмас, кунида синганидек, мижозлардан кимдир тақинчоқнинг қалбаки эканлигини пайқаб қолиб, дарров Азизанинг уйига келди. Буни қарангки, унинг уйига шу куни тақинчоқ учун пул бериб, бир неча ойдан бери ололмай юрган мижоз ҳам келиб ўтирган экан.

Орадаги даҳанаки жангда Азизанинг бошқа қилмишлари ҳам очила бошлади. Оқибатда ўша икки мижоз келиб, туман ИИБ га бу ҳақда ариза билан мурожаат этишди. Тезкор ходимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Азиза ҳам, унинг шериги Жамол ҳам қўлга олинди. Ҳозирда бўлиб ўтаётган терговда икковидан жабр кўрганларнинг аризалари ҳам кўриб чиқилаётир, демак, уларнинг барча қилмишлари учун жавоб беришларига тўғри келади.

**Юлдуз АШИРОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИБ**
**Матбуот хизмат ходими, майор**

# Оз-оз ўргани доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

***ИДРОК, ДИД, ФАРОСАТ ВА ЛАЁҚА ҲАҚИДА***

**Яратилган гўзалликларни дид вужуда келтиргандир.**

**Ҳаёт ўлчовлари — дид билан фарсатга тан.**

**Ҳар лаёқатнинг ўз қиммати бор.**

**Идрок билан дид ишонмаса, ап тасдиқламайди.**

**Идрок ўсимлик танасидаги жони ҳам кўра олади.**

**Идрокни ёллаб бўлмайди.**

**Камчиликни ўз вақтида кўра билш ютуққа эриштиради.**

**Ишнинг кўзини билиш — қобилиятнинг маҳсули.**

**Дидли боғбоннинг гулзорида ўт ўа олмайди.**

**Оёғини билиб босган — чанга қолмайди.**

**Ўткир дид ҳайратда қолдира олади**

**Дид билан қилинган иш уялтирмайд.**

**Ақлнинг жони — идрок, қалбниг жони диддир.**

**Фаҳмсизлик қадр-қимматни топтайд.**

**Фаросатсиз — қайноқ қалбга св сепиб, уни дарз кетказади.**

**Эшикни ёпаётганда, яна қайтб очишни ҳам ўйлаш керак.**

**Фаҳмсиз — катта йўлни ҳам йўлчага айлантириб қўяди.**

**Уқувсиз ва лаёқатсизни ҳаёт ғижилаб ташлайди.**

**Суза олмаганнинг чўкишига св айбдор эмас.**

**Фаросат — ақлнинг меҳнатига тагандир.**

**Анқов — душманга ов.**

**Фаросатсиз — ўткинчи ҳисни д, абадийини йўқотади.**

**Парвонанинг ҳирси — оловга ошқ қилган.**

**Тамизни бетамиздан ўрган.**

**Фаросатсиз ўртоғини хижолат қўйиб юради.**

**Гапирганга қарама, гапиртирган қара.**

**(Давоми бор)**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **17 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлиши мумкин, туман тушади. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик эҳтимоли бор. Айрим ерларга туман туш. Шарқдан секундига '2 метр тезликда шамол ди. Ҳарорат кечаси —5 даража совуқ, кундуз— 5-10 даража илиқ бўла*

*Ўзгидрометнинг мони ринг хизмати маълумо кўра **17 мартда** Тошкт шаҳри об-ҳаво шароити ҳар ҳаво муҳитида зар моддаларнинг бироз йиғилига имконият яратади. мосферанинг ифлосланиш ражаси — 1-3 фоиз кўп ши тахмин қилинмоқда, миқдори паст бўлади.*



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4655 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйи турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефона мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифалди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-

123

Буюртма Г- 306

Топширилган вақти: 15.15